

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМIIЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/04.03.2022.Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМIIЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМIIЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАЕВ НОДИРБЕК НЕМАТЖОНОВИЧ

**ТУГАЛЛАНМАГАН СУИЦИДЛАРДАН КЕЙИНГИ
ПСИХОПАТОЛОГИК ҲОЛАТЛАРНИ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
УЛАРНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШДА ПСИХОТЕРАПИЯ ВА
ПРОФИЛАКТИКА**

**14.00.43 – Профилактик тиббиёт
14.00.18 – Психиатрия ва наркология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Джураев Нодирбек Нематжонович

Тугалланмаган суицидлардан кейинги психопатологик
халатларнинг клиник хусусиятлари ва уларни комплекс
даволашда психотерапия ва профилактика3

Джураев Нодирбек Нематжонович

Клинические особенности психопатологических состояний
после незавершенных суицидов и психотерапия в комплексном
их лечении и профилактика.....24

Djuraev Nodirbek Nematjonovich

Clinical features of psychopathological conditions after
incomplete suicides and psychotherapy in their complex
treatment and prevention.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....46

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/04.03.2022.Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАЕВ НОДИРБЕК НЕМАТЖОНОВИЧ

**ТУГАЛЛАНМАГАН СУИЦИДЛАРДАН КЕЙИНГИ
ПСИХОПАТОЛОГИК ҲОЛАТЛАРНИ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
УЛАРНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШДА ПСИХОТЕРАПИЯ ВА
ПРОФИЛАКТИКА**

**14.00.43 – Профилактик тиббиёт
14.00.18 – Психиатрия ва наркология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Tib954 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.adti.uz) ва «ZiyoNet» (www.ziynet.uz) ахборот таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аграновский Марк Лейзерович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимов Улугбек Худаярович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Салоҳиддинов Зухриддин Салоҳиддинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/04.03.2022.Tib.95.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел.: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ -сонли баённомаси).

Х.Х. Турсунов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.З. Мамарасулова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.С. Мамасолиев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда hozirgi кунда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ўз жонига қасд қилиш ва ўз жонига қасд қилиш хулқ-атворини ўрганиш нафақат замонавий психиатриянинг энг долзарб тиббий-ижтимоий муаммоси, балки жамият учун ҳам жиддий муаммо ҳисобланади. ЖССТ маълумотларига кўра, дунёда ҳар куни ўртача 3000 киши ўз жонига қасд қиладилар, уларнинг ҳар бир учун 20 та ўз жонига қасд қилишга уринганлар ёки ундан ортиқ одам тўғри келади, ҳар йили эса 1 млн ортиқ одам ўз жонига қасд қилади ва ўз жонига қасд қилишга уринганлар сони 20 миллиондан ошади. 2020 йилда Россиянинг статистик маълумотларига кўра, 16 546 киши ўз жонига қасд қилишдан вафот этган, бу мамлакат бўйича ўртача 100 000 аҳолига 11,7 ўлимни ташкил этади. 2018 йилда Украинада ўз жонига қасд қилиш даражаси 100 минг аҳолига 28,3 ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 100 минг аҳолига 29,9 дан ошди. ЖССТ мезонларига кўра, агар ўз жонига қасд қилиш даражаси йилига 100 000 аҳолига 20,0 дан ошса, бу жуда муҳим ҳисобланади. БМТнинг собиқ бош психиатри Грегори Салбургнинг айтишича, бугунги кунда ўз жонига қасд қилиш статистикаси ишончсиздир. Аксарият ўз жонига қасд қилишлар ўзларининг номлари билан аталмайди. Аниқроғи, ўз жонига қасд қилиш "бахтсиз ҳодисалар", "ЙТХ" ва бошқа номлар билан яширилади. (ЖССТ 2016) Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолига 10,3 нафар ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари қайд этилган. Қўшниларимиз билан солиштирганда бу кўрсаткич Қозоғистонда 100 минг аҳолига 40,1, Қирғизистонда 14,8, Туркманистонда 11,0, Тожикистонда 5,0 ни ташкил этади. Постсовет худудиди энг юқори кўрсаткич Россияда кузатилган - ҳар 100 минг аҳолига 48 та одам тўғри келган эди. Бундай тенденциялар 2025 йилга бориб ўз жонига қасд қилишлар «...йилига 1,5 миллиондан ортиқ инсонлар ўзини-ўзи ўлдиради...»¹. Ўз жонига қасд қилишни бартараф этишда оиланинг бутунлиги муҳим рол ўйнайди, чунки ўз жонига қасд қилишга уринган ўсмирларнинг қарийб ярми ота-оналардан бири вафот этган ёки оиласини ташлаб кетган оилаларда ўсганлардир. Республикамизда 2021-йил бошидан буён 153 нафар ўсмир ўз жонига қасд қилган. Таъкидлаш жоизки, болалар орасида ўз жонига қасд қилишлар ўтган йилга нисбатан 10 % га камайган. Аммо статистика ҳали ҳам мамлакат учун қўрқинчли бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ўз жонига қасд қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг маълумотига кўра, 90% ҳолларда ўсмирнинг ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракати бу ташвиш сигнали ҳисобланади. Антисоциал оилаларнинг ўсмирлари ўз муаммоларини асосан ўз жонига қасд қилиш ёрдамида ҳал қилишади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 йил 2019 июн куни Ўзбекистон Республикаси олий Мажлиси Сенатининг

¹ Аграновский М. Л. Комплекс биологических характеристик личности пациентов с незавершенными суицидами. // Аграновский М.Л., Усманова М.Б., // Неврология. – Ташкент, 2020. – № 2 (82). – С. 57-59.

¹ ЖССТнинг 2020 йилги йиллик ҳисобот кўраткичлари.

йигирманчи ялпи мажлисидаги нуткида "Ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жинойтчилик, оила бузилиши, эрта никоҳ ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари олдини олиш ҳар доим диққат марказида бўлиши керак" каби мавзуларни таъкидладилар. Ўсмирлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг кўпайиши ушбу муаммонинг долзарблигини ва кўшимча ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар беморларда касалликнинг келиб чиқишида руҳий-ижтимоий омилларнинг таъсири, касаллик клиник белгиларининг кечишида организмнинг умумсоматик ва иммунологик ҳолатини инобатга олиб касалликнинг ўткир кечишини эрта бартараф қилиш, қайталаниш ва руҳий ногиронликни олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Ўз жонига қасд қилиш хулқ-атворини ўрганиш ва такрорий суицидал ҳаракатларни олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқишга йўналтирилган

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590–сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.jaacap.org, www.samhsa.gov, www.publichealth.jhu.edu, www.de.uni24k.com, www.ki.se, www.kuleuv.en, www.sydney.edu, www.otago.ac.nz, www.sechenov.ru, www.kyoto-u.ac.jp, www.en.snu.ac.kr, www.study.eu, www.uchicago.edu, www.medaille.edu, www.eur.nl, www.eng.rudn.ru, www.lex.uz сайтлар асосид а ишлаб чиқилган.

илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: The Suicide Prevention Resource Center at the University of Oklahoma Health Sciences Center is supported by a grant from the Department of Health and Human Services (HHS) (АҚШ); Institute of Child and Adolescent Psychiatry (New York State); Substance Abuse and Mental Health Services Administration (SAMHSA); University of Chicago; Johns Hopkins University; University of California, Los Angeles; University of Washington; University of Pennsylvania (АҚШ); Nationales Institut für psychische Gesundheit (Германия); University of Toronto (Канада); King's College London; University of Edinburgh (Великобритания); National Center for Suicide Research and Mental Health Prevention, Karolinska Institute (Швеция); Erasmus University Rotterdam (Нидерланды); KU Leuven (Бельгия); University of Otago (Янги Зеландия); University of Melbourne; University of Sydney (Австралия); University of Tokyo; Kyoto University (Япония); Seoul National University (Южная Корея); The University of Hong Kong (Гонконг); First Moscow State Medical University named after I.M. Sechenov (МГМУ); Peoples' Friendship University of Russia (PFUR) (Россия); Республика психоневрологик диспасерида ҳамда тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг психиатрия ва психотерапия кафедрасида олиб борилмоқда (Ўзбекистон).

Ўз жонига қасд қилиш хулқ-атворини ўрганиш ва такрорий суицидал ҳаракатларни олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: мактабларда, бирламчи тиббий ёрдам ва фавкулудда вазиятлар бўлимларида ўз жонига қасд қилиш скрининг тизими илмий асосланган (Institute of Child and Adolescent Psychiatry (New York State)); ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш бўйича инновацион чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб “Ўз жонига қасд қилиш Оксфорд қўлланмаси” да баён этилган (Oxford University Press (АҚШ); худид бўйича ўз жонига қасд қилишнинг жинсига қараб фарқини British Journal of Psychiatry, Web of Science ва Scopusда нашр этилган материаллар асосида суицидал фикрларнинг Open Data Kit системасининг www.kobotoolbox.org платформаси асосида таҳлил қилинган (University of Edinburgh (Великобритания)); ўз жонига қасд қилишни шахс томонидан кучли ҳиссий кўзғалиш ҳолатида ёки руҳий касаллик белгилари мажмуаси таъсирида содир этилганлиги ўрганилган (National Center for Suicide Research and Mental Health Prevention, Karolinska Institute (Швеция)); магнит бўронини ўз жонига қасд қилишига сабабини биринчи марта япония аҳоли ўртасида кўп йиллик теширишлар натижасида аёллар орасида кўпроқ содир этилишини илмий асосланган бўлса (Kyoto University (Япония)) австралия илмий текшириш институтини маҳаллий аҳоли ўртасида эркакларда суицид ҳолатлари кўпроқ содир этилганини аниқлаган (University of Sydney (Австралия)); ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларининг нейробиологизациясини биринчи бор аниқланган (Nationales Institut für psychische Gesundheit (Германия)); тугалланмаган ўз жонига қасд қилишни амалга оширишда психоактив

моддалар (ПАМ) ни таъсирини ва аҳамиятини исботланган (First Moscow State Medical University named after I.M. Sechenov (MGMU)); республика суисидологик хизматини такомиллаштирилди (Ўзбекистон).

Дунёда ўз жонига қасд қилиш хулқ-атворини ўрганиш ва такрорий суицидал ҳаракатларни олдини олиш бўйича илмий асослаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўз жонига қасд қилишга уринишлари ва тугалланмаган суицидларнинг ёшларда психологик омилларини асослаш; суицид ҳолатларини тузатиш ва профилактик чора-тадбирлар моделини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш; тугалланмаган суицид ҳолатларининг гендер хусусиятларини баҳолашни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда ҳозирги кунгача йетарли даражада тадқиқотлар олиб борилган, аммо тугалланмаган суицидлардан кейинги психопатологик ҳолатларининг клиник хусусиятлари ва уларни комплекс даволаш ҳақидаги маълумот берилмаган. Ижтимоий жиҳатларга тааллуқли кўплаб суицидологик тадқиқотларда ўз жонига қасд қилишлар сонининг кўпайиши ва иқтисодий инқирозлар ўртасида шубҳасиз боғлиқлик мавжуд. Жаҳонда маданиятлар аралашмаси мавжуд бўлиб, одамларга диний ва ижтимоий-маданий омиллардан кўра шаҳар ва иқтисодий омиллар кўпроқ таъсир қилади. (Антропова Н.С., Нестеренко Е.Н., 2016; Чернова О.Ю., 2010; Pompili M., et al, 2007; Conner K.R., Beautrais A.L., 2003). Тарихий ва этнографик маълумотларга кўра, "ҳаётнинг умидсизлиги" деб аталадиган ўз жонига қасд қилиш антик даврда деярли содир бўлмаган. Бу катта шаҳар маданиятининг маҳсулидир ва таназзулни, цивилизация ривожланишининг якуний босқичини англатади. Тарихнинг ўзига келсак, суицидолог олим Е.Дюркгеймнинг "Суицидология" китобида ушбу муаммони ўрганиш учун мустаҳкам асос яратган ишига мурожаат қилиш ўринлидир. У қуйидаги таърифларни бераган: "Ўз жонига қасд қилиш - жабрланувчининг ўзи томонидан содир этилган ижобий ёки салбий ҳаракатнинг бевосита ёки билвосита натижаси бўлган ҳар қандай ўлим, агар у кутилаётган оқибатлардан хабардор бўлса" (Э.Дюркгейм 1887). Ўз жонига қасд қилиш қишлоқ жойларига қараганда шаҳарларда кўпроқ учрайди. С.А. Тестова (2018) тадқиқотига кўра, кўп давлатларда охириги 15 йил ўз жонига қасд сони ва уларнинг даражаси ортиб бормоқда. Бу, айниқса, иқтисодий ривожланган мамлакатлар, яъни шаҳар аҳолисининг катта қисмида яшайдиган Шимолий ва Марказий Европа мамлакатлари учун тўғри келади. Муаллифларнинг фикрича, турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатларда ва аҳоли орасида ўз жонига қасд қилиш даражаси юқори. Америкалик психиатрнинг сўзларига кўра ўз жонига қасд қилиш фикрларининг психологик таркибий қисмлари қасос (ташқи тажовуз), айб (ички тажовуз) ва депрессия (ўлиш истаги) ҳисобланади (S.Hodgkinson, 2016 й.). Маҳсул дастурлар доирасида ўтказилган замонавий хорижий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўз жонига қасд қилиш илгари ўйланганидан кўра кўпроқ депрессия билан боғлиқ (Hallfors D.D. et al.,2014; Hazell P. 2009; Sher L.,

Mann J. J., 2006). Шундай қилиб, дунё бўйлаб ўз жонига қасд қилиш сони ортиб бормоқда.

Жаҳонда барча ўлим сабаблари орасида ўз жонига қасд қилиш 13-ўринни эгалласа, 15 ёшдан 19 ёшгача бўлган ўсмирларда ўз жонига қасд қилиш ўлим сабаблари ўртасида учинчиси хисобланади ва бу ҳодисанинг частотаси доимий равишда ошиб бормоқда. Ўз жонига қасд қилганларнинг 65% дан кўпроғини ишсизлар ва уй бекалари ташкил қилади. Ўзбекистонга келсак, ЖССТнинг 2019 йилдаги маълумотларига кўра, 2870 га яқин одам ўз жонига қасд қилган. Шундан келиб чиқиб, 2018-йил 1-июлга қадар бўлган ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ўз жонига қасд қилиш хизмати фаолиятини тартибга солувчи далолатнома ишлаб чиқилди.

Дунёда ўз жонига қасд қилиш муаммосининг турли жиҳатлари бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, Ўзбекистонда ўз жонига қасд қилиш хулқ-атвори генезисидagi ижтимоий-демографик (жинси, ёши, таълим даражаси, оилавий аҳволи, бандлик) ва шахсий хусусиятларнинг роли етарлича ўрганилмаган (М.Л. Аграновский, 2021). Андижон вилоятида йилдан-йилга ўсмирлар орасида ўз жонига қасд қилишлар сони ортиб бормоқда. Бу нафақат психиатрик муаммо, балки шошилиш тиббий ёрдамдирнинг муоммосихамдир. Тадқиқотимизда биз биринчи марта тугалланмаган суицидлардан кейинги психопатологик ҳолатларнинг клиник хусусиятларини ва уларни комплекс даволашда психотерапия ва профилактикани ўрганадик.

Жаҳон адабиётида ўз жонига қасд қилиш муаммолари етарлича ёритилган. Бурок, бу маълумот масаланинг ўзини талқин қилиш нуқтаи назаридан ҳам, турли ёндашувларнинг моҳияти ва ҳодисанинг аҳамияти жиҳатидан ҳам сезиларли номувофиқлик ва етарли даражада ўзгарувчанлик билан тавсифланади (Войцех В.Ф., 2007; Васильев В.В., 2009; Васильев В.В., Смирнова Т.А., Баталова Н.П., 2010; Положий Б.С., Васильев В.В., 2019; Kanchan T., Menezes R.G., 2008). Юқорида айтилганларнинг барчаси тўлиқ бўлмаган ўз жонига қасд қилишдан кейин беморларда юзага келадиган психопатологик ҳолатларнинг клиник хусусиятлари, шунингдек, даволаш усуллари ва уларни тузатиш замонавий илмий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган деган хулосани беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-201205194 «Ўзбекистоннинг турли минтақаларида сурункали ноинфекцион касалликларда эпидемиологияни ўрганиш, даволашни такомиллаштириш йўллари ва олдини олиш бўйича илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш» инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган (2020-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларини шаклланишида ижтимоий преморбид ва клиник хусусиятлар мажмуасининг ролини, тугалланманган суицидлардан кейинги психопатологик ҳолатларни

ва уларни комплекс даволашда психотерапия самарадорлигини ва олдини олиш ўрганишдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тугалланмаган суицид қилган шахсларда суицидал хатти-ҳаракатларини шаклланишида гендер хусусиятларини ҳисобга олиб ижтимоий преморбид ва клиник хусусиятлар мажмуасининг ролини ўрганиш;

тематик беморларда ўз жонига қасд қилиш ҳаракатларининг хусусиятларини аниқлаш ва ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларининг такрорланишига мойил бўлган юқори хавф гуруҳларини аниқлаш;

ўз жонига қасд қилган шахсларнинг характеристик хусусиятларини ўрганиш ва тугалланмаган суицидлардан кейинги психопатологик ҳолатларнинг клиник хусусиятларини аниқлаш;

тугалланмаган суицидлардан кейинги беморларни комплекс даволашда психотерапия усулларининг самарадорлигини ва олдини олишни ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2021 йиллар давомида ўз жонига қасд қилишга уринган 210 нафар (асосий гуруҳ) РШТТЁИМ Андижон филиалининг токсикология, нейрореанимация ва куйик булимларида тугалланмаган суициддан кейин даволанаётган беморларни асосий гуруҳ сифатида олинган.

Назорат гуруҳи сифатида эса - 50 нафар соғлом одамлар, кўнгиллилар: ўқийётган талабалар, ишчилар, хизматчилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети клиник ва эпидемиологик жиҳатларни аниқлаш билан комплекс терапевтик ва профилактик ёндашув натижаларини таҳлил қилиш ва тугалланмаган суицидлардан кейин ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракати ва психопатологик ҳолатларини шаклланишида ижтимоий-преморбид ва клиник омиллар мажмуасини омилли таҳлили ва уларни комплекс даволашда психотерапиянинг самарадорлиги ва олдини олишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Вазифаларни бажариш ва тадқиқот мақсадига эришиш учун патопсихологик, психопатологик, клиник-эпидемиологик, клиник-анамнестик, катамнестик ва статистик усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

биринчи мартаба тугалланмаган ўз жонига қасд қилган шахсларда ўз жонига қасд қилиш хулқ-атворининг шаклланишида ижтимоий, преморбид ва клиник белгилар мажмуасининг роли ўрганилди;

тематик беморларда ўз жонига қасд қилиш ҳаракатларининг хусусиятлари аниқланди ва ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларининг такрорланишига мойил бўлган юқори хавф гуруҳлари аниқланди;

биринчи мартаба тугалланмаган суициддан кейинги психопатологик (астеник, депрессив, вахима-қўрқув) ҳолатларнинг клиник хусусиятлари аниқланди ва беморларни комплекс даволашда психотерапия усуллари ишлаб чиқилди;

тугалланмаган ўз жонига қасд қилган беморларни комплекс даволаш ва олдини олишда психотерапия усулларининг самарадорлиги ўрганилди ва

ушбу контингентнинг профилактикаси ва ижтимоий мослашуви бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

патопсихологик, катамнестик ва клиник-анамнестик усуллар ёрдамида суицидал хатти-ҳаракатларни ривожланишида ижтимоий омилларнинг роли ва ижтимоий-преморбид шахсият хусусиятлари аниқланган;

клиник-психопатологик ва катамнестик усуллар билан тугалланмаган суицидлардан кейинги психопатологик ҳолатларнинг клиник хусусиятларини ва уларни комплекс даволашда психотерапия ва олдини олиш усулларининг самарадорлигини ўрганилган;

суицидал хатти-ҳаракатларининг такрорланишини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, клиник-эпидемиологик, клиник-анамнестик, клиник-психопатологик, катамнестик ва статистик усулларнинг ёрдамида ишлов берилганлиги билан белгиланади; олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажриба билан таққослангани ҳамда хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Клиник ва психопатологик тадқиқот натижалари ўз жонига қасд қилиш хавфини аниқлаш ва суицидал хатти-ҳаракатларининг олдини олиш учун терапевтик ва профилактика чораларини ишлаб чиқади, ўз жонига қасд қилиш хавфи юқори бўлган беморларга нисбатан мажбурий тиббий чораларни қўллаш мақсадга мувофиқлигини асослайди;

ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш, юқори хавфли гуруҳларни аниқлаш, ижтимоий мослашувни яхшилаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган, шунингдек, тугалланмаган суицидларни комплекс даволашда психотерапия усулларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

натижалар дарсликлар, ўқув ва амалий тавсиялар, тезислар, мақолалар, инновацион грантлар ва патентларда чоп этилди, шунингдек психиатрия бўйича Республика ва халқаро конференцияларда эълон қилинди;

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тугалланмаган суицидлардан кейинги психопатологик ҳолатларни ўрганишда олинган илмий натижаларга асосланиб:

"Тугалланмаган суицид қилган беморларга психотерапевтик ёрдам кўрсатишни прогностик аҳамиятини баҳолаш учун терапевтик ва профилактик алгоритми" услубий тавсиялари тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 8-сонли н-м/438 05.05.2022 йилдаги хулосаси). Ушбу услубий тавсиялар ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларининг эрта прогнози учун ишончли муҳим мезонларни аниқлашга имкон беради;

Тугалланмаган суицидлардан кейинги психопатологик ҳолатлар ва уларни комплекс даволашда психотерапия ва олдини олиш бўйича олиб

борилган тадқиқотларнинг илмий натижалари Андижон, Фарғона, Наманган вилоят психоневрологик диспансерининг клиник амалиётига жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 8-сонли н-з/279-сонли 08.06.2022 йилдаги хулосаси). Натижада беморларни касалхонага ётқизиш частотасининг пасайиши, ётоқ кунлари сонининг қисқариши, фаол психофармакологик даволаш ва моддий харажатларининг пасайиши, ўлим ва ногиронликни қисқариши, ҳаёт давомийлиги ва сифатининг ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда ва 2 таси СНГ давлатларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **"Замонавий адабиётда ўз жонига қасд қилишни клиник ва эпидемиологик ўрганиш масалалари"** адабиётлар шарҳи, диссертациянинг долзарблиги, заруратлиги ва бажарилган ишларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги асосланиши, шунингдек диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар ҳақида умумий маълумот берилган. Тугалланмаган суицидлардан кейинги психопатологик ҳолатларнинг муаммоси ва уларни комплекс даволашда психотерапия ва олдини олиш таҳлил қилинган. Клиник ва популяцион тадқиқотлар соҳасидаги адабиёт маълумотлари кенг ёритилган.

«Материалнинг умумий тавсифи» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган материаллар ва тадқиқот усуллари ёритилган, шунингдек, фойдаланилган тадқиқот усуллари тўғрисидаги маълумотлар тавсифланган. Вазифаларни ҳал қилиш учун тўлиқ бўлмаган ўз жонига қасд қилишдан кейин беморларнинг қиёсий психопатологик текшируви ўтказилди. Тадқиқот 65 ёшдан 15 ёшгача бўлган 260 та одамда клиник-психопатологик, клиник-эпидемиологик, патопсихологик, анамнестик ва клиник-катамнестик усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Улардан 210 таси асосий гуруҳ (ўз жонига қасд қилганлар): эркаклар - 76 (36,2%), аёллар - 134 (63,8%) РШТТЁИМ Андижон филиалининг токсикология, нейрореанимация ва куйик булимларида ўз жонига қасд қилишга уринишдан кейин бўлган беморлар. Шунингдек назорат гуруҳи сифатида 50 кишини (соғлом одамлар - кўнгиллилар) кўриб кўриб чиқилган: эркаклар – 17 (33,0%), аёллар - 33 (66,0%).


Ушбу ишга киритилган беморлар тўғрисидаги маълумотлар, муаллиф томонидан шахсий текширув ва уларнинг тиббий ёзувларини таҳлил қилиш, шунингдек беморнинг қариндошлари билан суҳбатлашиш орқали олинган. Тадқиқот давомида беморларга маълумот берилди ва тадқиқотда иштирок этишга розилик олинди. Маълумот йиғиш вақтида тўлиқ бўлмаган ўз жонига қасд қилган ҳар бир бемор учун "Суицидентларнинг патопсихологик текширув картаси "(асосий гуруҳ) тўлдирилди ва ҳар бир текширилувчилар учун "Анкета" (назорат гуруҳи) тўлдирилди.

Турли сўровномалардан фойдаланиб, биз текширилувчиларнинг ижтимоий-психологик ҳолатини баҳоладик. Бундан ташқари, ўз жонига қасд қилиш хавфини чуқур психологик ташхислаш усуллари кўриб чиқилди.

Олинган барча натижалар статик равишда қайта ишланди, бу аниқланган қонуниятларни текшириш ва асосий кўрсаткичларни бир-бири билан солиштириш имконини берди.

Диссертациянинг «Тўлиқ бўлмаган ўз жонига қасд қилган беморларнинг "ижтимоий - преморбид" хусусиятлари мажмуасини ўрганиш натижалари» деб номланган учинчи бобида тадқиқот натижалари батафсил баён этилган. Биз шартли равишда ўз жонига қасд қилиш шахсиятининг биологик ва ижтимоий хусусиятлари мажмуасини ижтимоий-преморбид шахсият хусусиятлари мажмуаси деб атадик. Ушбу комплекс таркибига қуйидагилар киради: преморбид шахсият хусусиятлари, ирсияти, маълумоти, оила таркиби, оилавий ҳолати, ёши, жинси, яшаш жойи ва ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларининг мотивлари, сабаблари, турлари, хавф омиллари.

Ўз жонига қасд қилиш йирик шаҳарлардаги мураккаб муносабатлар натижасида юзага келади, бу ерда мавжудлик учун кураш беқиёс даражада қизгин ва мураккаблашади. Шубҳасиз, муҳим кўрсаткич қишлоқ ёки шаҳар аҳолисига тегишли бўлиб, аҳолининг айрим тоифаларининг ўз жонига қасд қилиш қобилиятини баҳолашда эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Тадқиқотларимиз натижасига кўра, шаҳарда 153 (72,9%) тава қишлоқ жойларда 57 (27,1%) та ўз жонига қасд қилганлар аниқланди.



1-расм. Текширилган шахсларнинг жинсига қараб тақсимланиши.

Тадқиқот давомида биз ўз жонига қасд қилишдаги гендер фарқларига эътибор қаратдик. Мамлакатимизда 2020-йилда ўз жонига қасд қилган аёлларнинг умумий сони 900 нафардан ошган эди. Уларнинг аксарияти турмуш ўртоғи ва қайнонаси билан келишмовчиликлар туфайли ўз жонига қасд қилишга қарор қилган. Бизнинг маълумотларга кўра, текширилган шахсларнинг жинсига қараб тақсимланишида асосий гуруҳда аёллар (64,3%)

эркакларга (35,7%) нисбатан кўпроқ ўз жонига қасд қилишга уринишган. Текширилган шахслар орасидаги назорат гуруҳидагилар эса эркаклар 17 (34,0%), аёллар эса 33 (66,0%) ни ташкил этди (1-расмга қаранг).

Тадқиқот вақтида текширилган беморларнинг 15 ёшдан 65 ёшгача бўлган. Ўз жонига қасд қилиш хулқ-атворининг асосий қисмини 15 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўсмирлар содир этган бўлиб, уларнинг 144 нафарини (54,3%) ўсмирлар ташкил этган. Бу ёшда 87 (65,0%) аёлларда, 21 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёш гуруҳида эса 21 (27,6%) эркакларда кўпроқ кузатилган. Жинсдан қатъий назар, 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар ўз жонига қасд қилиш эҳтимоли кўпроқ кузатилган. Назорат гуруҳини ёшга қараб ажратганимизда, 15 ёшдан 20 ёшгача бўлганларнинг умумий сони 26 нафарини (52,0%) ташкил этди. Уларнинг 19 нафарини (57,5%) аёллар, 7 нафарини (41,1%) эркаклар ташкил этди. 21 ёшдан 30 ёшгача бўлган эркаклар ўртасида 4 (23,5 %) нафар эркакларни, аёллар ўртасида эса 6 нафар (18,2%) ташкил этади.

№	Ирсияти оғирлашганлиги бўйича	Асосий гуруҳ						Назорат гуруҳ						p
		Эркак		Аёл		Жами		Эркак		Аёл		Жами		
		Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%	
1	оғирлашган	31	40,8	43	32,1	74	35,3	14	82,3	31	93,9	45	90,0	<0.05
2	оғирлашмаган	45	59,2	91	67,9	136	64,7	3	17,7	2	6,1	5	10,0	<0.05
3	Жумладан: психопатиялар;	22	28,9	49	36,6	71	33,8	-	-	-	-	-	-	<0.05
4	депрессиялар;	8	10,5	18	13,4	26	12,4	1	5,9	1	3,0	2	4,0	>0.05
5	Эндогенн касалликлар;	5	6,6	8	5,9	13	6,2	1	5,9	-	-	1	2,0	>0.05
6	ПАМ истемол қилиш	4	5,3	6	4,5	10	4,8	-	-	-	-	-	-	>0.05
7	Алкоголизмлар;	6	7,9	10	7,5	16	7,5	1	5,9	1	3,0	2	4,0	>0.05
Итого:		76	100,0	134	100,0	210	100,0	17	100,0	33	100,0	50	100,0	

1-жадвал. Текширилган шахсларнинг ирсияти бўйича тақсимланиши.


Биз текширган ўз жонига суиқасд қилганлар диспансер назоратига олинмаган. Текширув давомида вазият реакциялари деярли соғлом одамларда ва характер акцентуацияси бўлган шахсларда аниқланди. Оилалардаги генетик мойиллик атроф-муҳит хавфи билан бирга ўтади, бу ўзаро боғлиқ ҳодисалар занжирини ташкил қилади. Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, 71 (33,8%) нафар ўз жонига қасд қилганларнинг оиласида психопатик тип характерга эга шахслар бўлган. Улардан 22 (28,9%) та суицидент эркаклар, 49 (36,6%) таси аёллардир. 26 (12,4%) та суицидентларнинг анамнезида аффектив бузилишлар (депрессия) маълум бўлган, аёлларда (13,4%) эса эркакларникига (10,5%) нисбатан кўрсаткичлар устунлик қилган. Наслий боўлиқликнинг бошқа кўрсаткичлари бўйича аёлларда ҳам, эркакларда ҳам камроқ аниқланган. Назорат гуруҳида

45 та (90,0%) текширилганда ирсияти оғирлашмаганлар (эркаклар 14-82,3%; аёлларда 31-93,9%), ирсияти оғирлашганлар эса сезиларли даражада кам - 5 (10,0%) (1-жадвалга қаранг).

Преморбид шахсият хусусиятлари автоагрессив хатти-ҳаракатлар учун хавф омилларидан биридир. Автоагрессив хатти-ҳаракатлар эҳтимоли куйидаги акцентуацияси турларининг белгилари билан юқори: циклоид, эмоционал-лабил, истероид ва эпилептоид типлар.

Шахсининг преморбид хусусиятлари бўйича натижаларимиз шуни кўрсатдики, автоагрессив хатти-ҳаракатларнинг эҳтимоли кўпинча характернинг куйидаги турлари билан содир бўлади: истероид тури 43 (22,3%), ҳиссий жиҳатдан лабил тип 32 (15,2%), циклотимик тип 41 (19,5%), эпилептоид тип 19 (9,1%), гипертимик тип 25 (11,9%), беқарор тип 9 (4,3%), психоастеник тип 5 (2,4%), астено-невротик тип 11 (5,3%). Текширувдан ўтган шахсларнинг умумий хусусиятлари назорат гуруҳи орасида энг юқори курсаткич преморбид хусусиятсизлар 42 (84,0%), характер акцентуациясининг бошқа турлари камроқ кузатилди.

Таълим даражаси бўйича тадқиқот натижаларимиз шуни кўрсатадики, ўрта маълумотли одамлар ўз жонига қасд қилиш эҳтимоли кўпроқ бўлган 143 (68,1%). Аёллар ўртасидаги бу натижаларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпроқ маълумоти ўрта махсус 87 (64,9 %) ва ўрта маълумотли 21 (15,8%) кишиларда содир этилганини кўрамиз. Эркаклар орасида худди шу маълумотга эга бўлганларда ҳам юқори натижаларни кўришимиз мумкин. Олий маълумотли одамлар орасида ўз жонига қасд қилиш даражаси пастрок бўлган 1 (0,7%). Шуни таъкидлаш керакки, тугалланмаган ўз жонига қасд қилиш кўпроқ маълумотга эга бўлмаган одамлар томонидан содир этилади. Назорат гуруҳида аёллар ва еркаклар ўртасида тўлиқ бўлмаган олий 26 (52,0%) ва ўрта махсус 15 (30,0%) маълумотлилар кўпроқ бўлган (2-расмга қаранг).



2-расм. Текширилган шахсларнинг маълумот даражаси бўйича тақсимланиши.


Ўз жонига қасд қилиш хавфининг муҳим омилларидан бири бу касбий мақомдир. Энг юқори фоиз доимий иш жойига ега бўлмаган 67,6% еканлиги аниқланди. Улардан 108 нафари (80,6 %) тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотли уй бекаси аёллар, 34 нафари (44,7%) ишсиз эркаклардир. Шунингдек, 28 (36,8%) малакасиз меҳнат билан шуғулланган эркакларда ўз жонига қасд қилиш эҳтимоли кўпроқ бўлган. Бу гуруҳ суицидга мойил бўлган энг хавфли гуруҳлар қаторига киради. Назорат гуруҳи шуни кўрсатдики: ўқитувчилар 2 (6,1%), хамширалар ва фелдшерлар 6 (12,0%), талабалар 19 (38,0%), ўқувчилар 11 (22,0%), уй бекалари, ишсизлар 8 (16,0%) ва малакасиз ишчилар 4 (8,0%).

Турмуш қурган ва турмуш қурмаган одамларда ўз жонига қасд қилиш хавфи ҳозирги кунда тенглашиб бораётганини куришимиз мумкин, бу оилавий низолар билан изоҳланади. Бундай шахсларда ихтиёрий равишда ҳаётдан воз кечиш эҳтимоли кўпроқ. Ўрганилган суицидентлар орасида энг кўпларини турмуш қурмаганлар 112 (53,4%) ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар бўйича турмушга чиқмаган аёллар турмуш қурмаган эркаклардан (эркаклар: 17-22,4%, аёллар: 95-71,0%) устунроқ. Умуман олганда, 70 (33,2%) нафар турмуш қурган бўлиб, бу гуруҳда турмуш қурган эркаклар 43 (56,6%) турмуш қурган аёлларга қараганда 27 (20,1%) кўпроқ ўз жонига қасд қилишга уринишган. Камдан кам ҳолларда ўз жонига қасд қилишга уринишлар 16 (21,0%) ажрашган ва 12 (8,9%) бева аёлларда қайд этилган. Назорат гуруҳидаги турмуш қурмаганларнинг умумий сони 33 (66,0%) кишини ташкил этди - эркаклар: 10-58,8%; аёллар: 23-69,7%. Турмуш қурганлар гуруҳида эркаклар 5 (29,4%), аёллар эса 7 (21,2%). Ажралишлар бошқа гуруҳларга қараганда камроқ эди.

Шуни таъкидлаш керакки, ўз жонига қасд қилишга уринишларнинг асосий сабаблари шахсий ва оилавий низолар эди. Оила аъзолари билан расмий муносабат 137 (65,3%) тасида ва ёмон муносабат 55 (26,2%) тасида кузатилди, улар ва ота-оналар ўртасида тез-тез низолар бўлиб турган, фақатгина 7 (3,3%) тасида оилада яхши муносабатда булганлари кузатилди. Эркаклар орасида 43 (56,6%) суицидентларнинг оиласида расмий муносабатлар кўпроқ, 26 (34,2%) тасида оилада ёмон муносабат ва яхши муносабат камроқ кузатилди. Аёллар орасида ҳам бу кўрсаткичлар бир хил тартибда, 94 (70,1%) да расмий муносабат, 29 (21,7%) да оилавий муносабатлар ёмон бўлган ва яхши муносабатлар камроқ кузатилган. Бироқ, ўз жонига қасд қилган аёллар оиласидаги расмий муносабатлар ўз жонига қасд қилган эркаклар оиласига қараганда кўпроқ бўлганини кузатишимиз мумкин. Таҳлил шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидагиларда оилада яхши муносабатлар 35 та суровдан утганларда (70%) аниқланди. Улардан 24 (72,7%) аёллар орасида, 11 (64,7%) эркаклар орасида.

Ўз жонига қасд қилиш сабабларини аниқлашда, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, шахсий-оилавий низолар 129 (61,4%) та суицидента кўпроқ кузатилган, ўз қадр-қимматини исботламокчи бўлганлар 28 (13,8%) тани, ҳис-туйғуларини нотўғри тушунилганлар эса 27 (12,8%) тасида аниқланган. Ўз жонига қасд қилишнинг бошқа сабабларидан кўра шахсий-

оилавий низолар аёллар орасида ҳам 91 (67,9%) ва эркаклар ўртасида ҳам 38 (50,0%) кўпроқ аниқланган. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, шахсий-оилавий зиддият аёлларда кўпроқ учрайди. Лекин ўз қадрини исботлаш учун ўз жонига қасд қилишга уринганлар 15 (19,7%) эркакларда, 13 (9,7%) аёлларга қараганда кўпроқ учраган (3-расмга қаранг).




3 – расм. Суицид сабабларининг умумий хусусиятлари.

